O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
QORAQALPOG`ISTON
RESPUBLIKASI TO'RTKO'L
TUMAN HOKIMINING
Q A R O R I

O'ZBEKISTAN RESPUBLIKASI
QARAQALPAQSTAN
RESPUBLIKASI TO'RTKUL
RAYON HA`KIMININ'
S H E' S H I M I

231200 . Qoraqalpog'iston Respublikasi . To'rtko'l tumani . To'rtko'l ko'chasi 53
Tel: 532-20-75, 532-20-47, 532-20-37. Faks: 532-30-40

" 23 " январь 2018 йил № 97 Тўрткўл тумани

Тумандаги қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техникаларни, шунингдек, машина-трактор парклари, устахоналар ва сервис пунктларининг асбоб-ускуналарни техник кўрикдан ўтказиш тўғрисида

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ҳузуридаги "Давтехназорат" инспекциясининг 2018 йил 4 январь 1-сонли буйруғига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигидан 2013 йил 25 апрелда 2452-сон билан рўйхатдан ўтказилган Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 2013 йил 2 апрелдаги 58-сонли буйруғи билан тасдиқланган "Қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техникаларни, шунингдек машина-трактор парклари, устахоналар ва сервис пунктларининг асбоб-ускуналарини техник кўрикдан ўтказиш тартиби тўғрисида» Низоми талабларидан келиб чиқиб, туманда 2018 йил қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техникаларни, машина-трактор парклари, устахоналар ва сервис пунктларининг асбоб-ускуналарини ҳар йиллик техник кўрикдан ўтказиш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 2 сентябрдаги 913-XII-сонли "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Қонуннинг 6-моддасига асосан

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н:

1. Туман ҳудудидаги қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техника, асбоб-ускуналарни 2018 йилда техник кўрикдан ўтказувчи туман комиссияси таркиби 1-иловага, тумандаги қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техникаларни, шунингдек машина-трактор парклари, устахоналар ва сервис пунктларининг асбоб-ускуналарини йиллик техник кўрикдан ўтказиш иш режаси 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Техник кўрикдан ўтказувчи туман комиссиясига:

а) мулкчилик шаклидан қатъий назар барча русумдаги қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техникаларни, шунингдек машина-трактор парклари, устахоналар ва сервис пунктларининг асбоб-ускуналарини йиллик техник кўрикдан ўтказиш бўйича иш режаси юридик ва жисмоний шахсларга етказиш;

б) техник талабга жавоб бермайдиган техник носоз техникаларни ишлатишни қатъиян ман қилиш;

в) техник кўрик давомида қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техникалар, шунингдек машина-трактор парклари, устахоналар ва сервис пунктларининг асбоб-ускуналари мавсумга тайёргарлиги, ҳар бир тракторчи-машинистнинг тегишли техникани бошқариш учун рухсат этилган тоифанинг мавжудлиги, техникаларнинг ўрнатилган тартибда рўйхатдан ўтказилганлигига ва бошқа техник талабларга жавоб беришига эътибор қаратиш;

г) техник кўрикдан ўтган техникаларни далолатномалар асосида ишлашга рухсат беришни ташкил қилиш вазифалари юклатилсин.

3. Тумандаги барча фермер хўжаликлари, уларга хизмат кўрсатувчи корхона, ташкилот, тижорат банклари раҳбарлари ва маҳалла раисларига;

а) ҳисобида мавжуд бўлган қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техникаларини, асбоб-ускуналарни техник кўрикдан ўз муддатида ўтказиш учун тайёрлаб, белгиланган майдончаларга йиғиш;

б) техник кўрикдан ўтказилган ҳар бир техника учун ундириладиган йиғимни ўз вақтида тўлашни таъминлаш;

в) ҳар бир овул ва маҳалла ўз ҳудудидаги шахсий техникаларни техник кўрикдан ўтишни ташкиллаштириш вазифалари юклатилсин.

4. Туман ҳокимининг иқтисодиёт ва тадбиркорлик масалалари бўйича биринчи ўринбосари Р.Шамуратовга;

тумандаги корхона, ташкилот, машина-трактор парки очиқ акциядорлик жамияти, мукобил машина-трактор парклари, фермер хўжаликлари ва фукароларда мавжуд бўлган қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техникаларни, асбоб-ускуналарни йиллик техник кўрикдан ўтказиш билан боғлиқ бўлган йиғимларни тўлашга амалдаги тартибларга асосан амалий ёрдам бериш топширилсин.

5. Тўрткўл тумани ҳокимининг 2017 йил 9 февралдаги “Тумандаги қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техникаларни, шунингдек машина-трактор парклари, устахоналар ва сервис пунктларининг асбоб-ускуналарини мажбурий техник кўрикдан ўтказиш тўғрисида”ги қарори 2017 йил 31 декабрдан ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

6. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг иқтисодиёт ва тадбиркорлик масалалари бўйича биринчи ўринбосари Р.Шамуратов зиммасига юклатилсин.

7. Мазкур қарор “Тўрткўлнома” газетасида ва туман ҳокимлигининг расмий веб-сайтида ёритилсин.

8. Ушбу қарор расмий эълон қилинган кундан кучга киради.

Тўрткўл тумани Ҳокими: **Н.Худайбергенов**

Тўрткўл тумани Хокимининг
2018 йил “23” 04
№ 97 сонли қарорига
1-илова

Туман ҳудудидаги қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техника, асбоб-ускуналарни 2018 йилда техник кўрикдан ўтказувчи туман комиссияси таркиби

1. Хаджиев О. - Туман қишлоқ хўжалиги техникалари давлат назорати инспектори, комиссия раиси

Комиссия аъзолари:

2. Қличев Ш. - Туман Қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими бошлиғининг агротехнология масалалари бўйича ўринбосари

3. Гаипов У. - Туман Фермерлар кенгаши мутахассиси

4. Кадиров А. - Туман МТП АЖ бошқарувчиси

5. Барча ОФЙ - ММТП раислари

Тўрткўл тумани Ҳокимининг
2018 йил “23” 01
№ 97 сонли қарорига
2-илова

Тумандаги қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техникаларни, шунингдек машина-трактор парклари, устахоналар ва сервис пунктларининг асбоб-ускуналарини йиллик техник кўрикдан ўтказиш иш режаси

Т/р	Техниканинг номи	Техника русуми	Техник кўрикдан ўтказиш муддати	Техник кўрикдан ўтказиш манзили	Техник кўрикдан ўтказиш санаси
1.	Қишлоқ хўжалик техникалари	Тракторлар	15 кун давомида	Қишлоқ хўжалиги техникалари жойлашган ҳудудлардаги ММТП гаражлари	02.03.2018 йилдан, 17.03.2018 йилгача
		Трактор тиркамалари	8 кун давомида		02.03.2018 йилдан, 10.03.2018 йилгача
		Шоли ўриш комбайнлари	10 кун давомида		10.03.2018 йилдан, 21.03.2018 йилгача
		Ем хашак ўриш комбайнлари	3 кун давомида		10.03.2018 йилдан, 13.03.2018 йилгача
		Силос ўриш комбайнлари	8 кун давомида		10.03.2018 йилдан, 18.03.2018 йилгача
		Пулуг	4 кун давомида		04.03.2018 йилдан, 07.03.2018 йилгача
		Чизеллар	3 кун давомида		02.03.2018 йилдан, 04.03.2018 йилгача
		Культиваторлар	10 кун давомида		10.03.2018 йилдан, 21.03.2018 йилгача
		Ер текислагич	4 кун давомида		04.03.2018 йилдан, 07.03.2018 йилгача
		Борона	4 кун давомида		02.03.2018 йилдан, 05.03.2018 йилгача
		Мола	4 кун давомида		02.03.2018 йилдан, 05.03.2018 йилгача
		Сеялкалар	6 кун давомида		25.02.2018 йилдан, 03.03.2018 йилгача

2.	Мелиоратив техникалар	Экскаваторлар	10 кун давомида	Мелиоратив техникалари жойлашган ҳудудлардаги ММТП гаражлари	20.03.2018 йилдан, 31.03.2018 йилгача
		Бульдозерлар	10 кун давомида		20.03.2018 йилдан, 31.03.2018 йилгача
		Скрепер	10 кун давомида		20.03.2018 йилдан, 31.03.2018 йилгача
3.	Асбоб-ускуналар	Ўлчаш асбоблари	4 кун давомида	Асбоб-ускуналар жойлашган ҳудудлардаги ММТП гаражлари	04.03.2018 йилдан, 07.03.2018 йилгача
		Металларга ишлов берувчи станоклар	4 кун давомида		04.03.2018 йилдан, 07.03.2018 йилгача
		Пайвандлаш қурилмалари	6 кун давомида		04.03.2018 йилдан, 10.03.2018 йилгача
		Темирчилик пресслаш асбоб-ускуналари	6 кун давомида		04.03.2018 йилдан, 10.03.2018 йилгача
		Электр асбоблари	4 кун давомида		04.03.2018 йилдан, 07.03.2018 йилгача
		Ёқилғи насослари	3 кун давомида		25.02.2018 йилдан, 25.02.2018 йилгача
		Форсункалар	8 кун давомида		02.03.2018 йилдан, 10.03.2018 йилгача
		Двигателлар	8 кун давомида		02.03.2018 йилдан, 10.03.2018 йилгача
		Бошқарув механизмлари диагностикаси учун қурилмалар	10 кун давомида		02.03.2018 йилдан, 12.03.2018 йилгача